

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МУРАТОВ АБОБАКР ХОЛИКБЕРДИЕВИЧ**

**ҚУРИЛИШ ОБЪЕКТЛАРИГА СОЧИЛУВЧАН ЮКЛАРНИ ТАШИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.08.06 – Ғилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам  
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Муратов Абобакр Холикбердиевич**

Қурилиш объектларига сочилувчан юкларни ташиш технологиясини  
такомиллаштириш..... 3

**Муратов Абобакр Холикбердиевич**

Совершенствование технологии перевозки сыпучих грузов  
строительным объектам..... 25

**Muratov Abobakr Kholikberdievich**

Improving the technology of transportation of bulk cargo  
to construction sites..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 52

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МУРАТОВ АБОБАКР ХОЛИКБЕРДИЕВИЧ**

**ҚУРИЛИШ ОБЪЕКТЛАРИГА СОЧИЛУВЧАН ЮКЛАРНИ ТАШИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.08.06 – Ғилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/T2540 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Термиз давлат университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси ([www.tashiit.uz](http://www.tashiit.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Кузиев Абдимурот Урокович,**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Халмухамедов Азиз Суръатович**  
техника фанлари доктори, доцент

**Илесалиев Дауренбек Ихтиярович**  
техника фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган муҳандислик-қурилиш  
институтини**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат транспорт университети ҳузуридаги DSc.18/30.12.2019T.09.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100167, Тошкент ш., Одилхўжаев кўчаси 1-уй. Тел./факс: (99871) 277-54-87, e-mail: [tashiit\\_rektorat@mail.ru](mailto:tashiit_rektorat@mail.ru)).

Диссертацияси билан Тошкент давлат транспорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100167, Тошкент ш., Одилхўжаев кўчаси 1-уй. Тел.: (99871) 277-54-87, e-mail: [tashiit\\_rektorat@mail.ru](mailto:tashiit_rektorat@mail.ru)).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_рақамли реестр баённомаси).

**А.А. Рискулов**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Р.М. Худайкулов**

Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш котиби, PhD, доцент

**А.А. Мухитдинов**

Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё миқёсида етказиб бериш занжирида оқимларни самарали ташкил этиш ва бошқаришда замонавий технологияларнинг қўлланилиши истеъмолчиларнинг тайёр маҳсулот ва хомашёга бўлган эҳтиёжларини ўз вақтида таъминлаш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу борада ривожланган хорижий, хусусан АҚШ, Нидерландия, Туркия, Россия, Германия, Франция, Хитой, Жанубий Корея, Япония каби мамлакатларда юкларни истеъмолчиларга керакли ҳажмда, ўз вақтида, керакли жойга, сифатли ва мақбул нархларда етказиб бериш бўйича янги илмий-техникавий ечимларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ташиш ҳажмларини ошириш, истеъмолчиларнинг юк оқимларини ташиб етказишга бўлган эҳтиёжларини ўз вақтида кафолатли қондириш ва иқтисодий самарадорликни таъминлаш бугунги кундаги энг долзарб вазифа ҳисобланади.

Жаҳонда ялпи хизмат кўрсатиш жараёнларини моделлаштириш, тизимнинг фаолият кўрсатиш самарадорлигини ошириш, хизмат кўрсатиш ишлари ҳажмини оптималлаштириш, тизимга кириб келувчи оқим жадаллигини хизмат кўрсатиш имкониятлари билан ўзаро мувофиқлаштириш каби йўналишларида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, дискрет ва узлуксиз ҳолатларда ялпи хизмат кўрсатиш тизимига кириб келаётган автомобиль транспорти воситаларининг ишини тезкор ва самарали режалаштириш жараёнларини моделлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу билан бирга, автотранспорт ва юклаш воситалари фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш ташиш жараёнидаги самарасиз йўқотишлар ва харажатларни камайтиришга қаратилган усуллар муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Республикамизда автомобиль транспорти воситаларига хизмат кўрсатиш жараёнини моделлаштириш ва бошқариш, ялпи хизмат кўрсатиш назарияси услублари ва ёндашувлари асосида сочилувчан қурилиш юкларини ташиш технологиясини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва уларни амалда қўллаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини икки баробарга кўпайтириш, 16 та ихтисослаштирилган туман (шаҳар)ларда бошқа ҳудудлар билан саноат кооперациясини йўлга қўйиш; янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш ва бошқа қурилиш харажатларини камайтириш ҳисобига қурилишга кетаётган вақтни 30 фоизга камайтириш ҳамда қурилиш таннархини 20 фоизга арзонлаштириш, ҳудудларда юклар шаклланишининг асосий нуқталарини ҳисобга олган ҳолда транспорт-логистика марказлари тармоғини ташкил этиш ва юк ташиш

харажатларини 30 фоизгача камайтириш<sup>1</sup>, бўйича вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, автомобиль транспорти ва юклаш воситаларини хизмат кўрсатиш имкониятларини ўзаро мослаштириш асосида энг кам иқтисодий йўқотишларни таъминлайдиган хизмат кўрсатиш параметрларини аниқлашга имкон берадиган илмий асосланган услубиёт ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармони, 2018 йил 24 ноябрдаги «Қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4028 сонли Қарори<sup>2</sup>, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 апрелдаги 224-сонли қарори, яъни «... қурилишнинг юқори сифатини ва таннархини пасайтиришни таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш» ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг III «Энергетика, энергия-ресурстежамкорлик, транспорт, машина ва асбобсозлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Автомобиль транспорти воситаларидан самарали фойдаланиш ташиш жараёнларини такомиллаштириш ва хизмат кўрсатиш сифатини оширишнинг илмий асосларини яратиш бўйича жаҳоннинг ва юртимизнинг йирик олимларидан Н. Mersman, А. Galkin, N. Davidich, M. Lindholm, E. Taniguchi, Erica E.F. Ballantyne, S. Bouamama, M. Morel, S.Balm, M. Kiba-Janiak, A.B. Вельможин, А.И. Воркут, С.С. Войтенков, В.С. Лукинский, С.Р. Лейдерман, Э.И. Ватутин, Л.Б. Миротин, Е.И. Зайцев, А.А. Тюхтина, С.М. Мочалин, Б.П. Жаворонков, Г.А. Кононова, Е.Е. Витвицкий, Д.И. Заруднев, В.И. Николин, А.Э. Горев, В.М. Курганов, Е.В. Сарафанова, В.И. Рассоха, И.А. Ганичев, Л.С.Трофимова, В.М. Беляев, Т.В. Маркелова, Е.С. Хорошилова, Т.А. Менухова, Б.А. Хўжаев, Ш.А. Бутаев, Г.А. Саматов, Б.Ш. Омонов, А.А. Назаров, А.А. Шермухамедов, А.Ў. Қузиёв, Б.И. Абдуллаев, М.Н.Жураев ва бошқалар тадқиқотлар олиб боришган.

Шу билан бирга, автомобиль транспорти воситаларига хизмат кўрсатиш жараёнини моделлаштириш ва бошқаришда юкларнинг ҳажмий оғирлиги, юк жўнатувчи (ёки қабул қилувчи) пунктларда автомобиль транспорти воситаларининг туриб қолиши ёки аксинча, юклаш воситалари автомобиль

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги ПФ-60-сонли «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24-ноябрдаги ПҚ-4028-сонли «Қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори

транспорти воситаларини кутиб қолиш вақтларидан келиб чиқадиган иқтисодий йўқотиш харажатларини энг минимум ҳолатга келтириш каби муаммолари етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот Инновацион ривожланиш Вазирлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-III «Энергетика, энергия–ресурстежамкорлик, транспорт, машина ва асбобсозлик» амалий тадқиқотлар дастури доирасидаги №От-Атех-2018-352 “Ҳудуд транспорт тармоғини оптимал ривожлантириш ва истиқболдаги юк оқимларини самарали ўзлаштиришда логистик тамойилларни кенг қўллаш” (2018-2020) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** қурилиш объектларига сочилувчан қурилиш юкларини ташишда автомобиль транспорти воситалари ва юк жўнатиш пунктларининг иш вақтларидан самарали фойдаланиш услубини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Қўйилган мақсад қуйидаги вазифаларни таҳлил этишни тақозо этади:

қурилиш юкларини автомобиль транспорти воситаларида етказиб бериш усулларини таҳлил этиш;

автомобиль транспорти воситаси фаолияти самарадорлигини таъминловчи техник-эксплуатацион кўрсаткичларнинг таъсирини тадқиқ этиш;

автомобиль транспорти ва уларга хизмат кўрсатувчи юк жўнатиш пунктларининг иш кўрсаткичларини ўзаро мувофиқлаштириш масаласини ечиш услубини асослаш ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш;

автомобиль транспорти воситалари ишини тезкор режалаштириш услубини ишлаб чиқиш;

сочилувчан қурилиш юкларини ташиш жараёнларини экспериментал тадқиқ қилиш, тадқиқот натижаларини қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва тегишли иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти.** Қурилиш объектларига сочилувчан юкларни ташишда автомобиль транспорти воситалари ва уларга хизмат кўрсатувчи юк жўнатиш (қабул қилиш) пунктлари ҳамда уларнинг иш кўрсаткичлари олинган.

**Тадқиқот предмети.** Автомобиль транспорти ва уларга хизмат кўрсатувчи юк жўнатиш (қабул қилиш) пунктлари фаолиятининг ўзаро мувофиқлаштирилиши бўйича техник-технологик муносабатлар тизими тадқиқот предмети сифатида олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида экспериментал, кузатув, математик статистика ва математик моделлаштириш, эҳтимоллик назарияси, тизимли таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

юк ташишда автомобиль транспорти воситаси унумига техник-эксплуатацион кўрсаткичларнинг боғлиқлиги корреляция-регрессия моделлаштириш асосида тадқиқ этилган;

реал иш вақти, қатновлар сони ва ташилаётган юкнинг ҳажмий оғирлигини ҳисобга олиш асосида автомобиль транспорти воситалари ва уларга хизмат кўрсатувчи юк жўнатиш пунктларининг иш кўрсаткичларини адекват равишда моделлаштирувчи алгоритми такомиллаштирилган ҳамда дастурий таъминоти ишлаб чиқилган;

автомобиль транспорти ва юклаш воситаларининг техник-эксплуатацион кўрсаткичлари асосида дискрет ва узлуксиз ҳолатларда хизмат кўрсатиш тизимига кириб келаётган автомобиль транспорти воситаларининг ишини тезкор ва самарали режалаштириш услуги ишлаб чиқилган;

автомобиль транспорти ва уларга хизмат кўрсатувчи юклаш воситаларини рационал тақсимлаш орқали эришиладиган самарадорликни баҳолаш услуги ўзаро кутиб туриш вақтларидан вужудга келувчи кунлик иқтисодий йўқотишларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

автомобиль транспорти воситаларида сочилувчан қурилиш юкларини ташишни ташкил этишнинг самарали технологияси ишлаб чиқилган;

автомобиль транспорти воситалари иш унуми ва техник-эксплуатацион кўрсаткичлар ўсиши ўртасидаги боғлиқлик назарий тадқиқ этилган ва корреляция-регрессия модели шакллантирилган;

автомобиль транспорти воситалари ва уларга реал хизмат кўрсатувчи юк жўнатиш пунктларининг иш кўрсаткичлари ўзаро мувофиқлаштирилган ва Python тилида дастурий таъминоти яратилган ҳамда кунлик тезкор режалари ишлаб чиқилган;

автомобиль транспорти ва уларга хизмат кўрсатувчи юклаш воситаларини рационал тақсимлаш орқали самарадорликни таъминлаш бўйича техник-технологик тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот якунида ўз аксини топган умумназарий хулосалар, тажрибалар натижаларига математик статистика услублари ёрдамида ишлов берилганлиги, ҳамда диссертация ишида таклиф этилаётган автомобиль транспорти ва уларга хизмат кўрсатувчи пунктлардаги юклаш воситаларининг ўзаро мувофиқлашган ҳолда ишлаши ҳисобий ва тажрибавий натижаларининг ўзаро мос келиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот иши бўйича олинган натижаларнинг илмий аҳамияти, сочилувчан қурилиш юкларини етказиб беришда автомобиль транспорти ва юклаш воситаларидан самарали фойдаланишни аниқлашга имкон берадиган модел ва усулларни ҳамда мазкур масала ечимларини шакллантирувчи алгоритмнинг назарий-услубий асослари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти автомобиль транспорти ва юклаш воситаларининг иш кўрсаткичларини ўзаро мувофиқлаштириш

масаласини компьютер техникаси ёрдамида ечиш учун Python тилида дастурий таъминоти ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қурилиш объектларига сочилувчан юкларни ташиш технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

автомобиль транспорти воситаларида сочилувчан қурилиш юкларини ташишни ташкил этишнинг самарали технологияси “Сурхон саноат қурилиш” компаниясида жорий этилди (Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2022 йил 16 февралдаги №2/833-390-сонли маълумотномаси). Натижада умумий айланиш вақти 25%га камайди ва эксплуатацион тезлик 3 км/соатга ошди, автомобиль транспорти воситаларининг кунлик ташиш ҳажми 23,8%га ошишига эришилган;

автомобиль транспорти воситаларига хизмат кўрсатиш жараёнини моделлаштириш ва бошқариш, ялпи хизмат кўрсатиш назарияси услублари ва ёндашувлари асосида сочилувчан қурилиш юкларини ташиш технологияси ва алгоритми “Сурхон саноат қурилиш” компаниясида жорий этилди (Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2022 йил 16 февралдаги №2/833-390-сонли маълумотномаси). Натижада истеъмолчиларнинг ташишга бўлган эҳтиёжи (6045 тонна) ўзгармаган ҳолда, қурилиш объектларига хизмат кўрсатиш учун автомобиль транспорти воситаларининг сонига бўлган талаб 95 тадан 67 тага, яъни 29%га, камайишига эришилган;

автомобиль транспорти воситалари ҳамда юклаш воситаларининг иш кўрсаткичларини мувофиқлаштириш масаласининг Python тилида дастурий таъминоти “Сурхон саноат қурилиш” компаниясида жорий этилди (Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2022 йил 16 февралдаги №2/833-390-сонли маълумотномаси). Натижада автомобиль транспорти ва юклаш воситаларининг иш кўрсаткичларини ўзаро мувофиқлаштириш (кутишлардаги ва фойдаланилмай қолган вақтлар) ҳисобига юк ташиш харажатларини 28393,5 сўм/тоннадан 20334 сўм/тоннагача, яъни 28%га тежаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот иши натижалари 6 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақолалар, жумладан 3 та республика ва 3 та хорижий илмий журналларида нашр этилган ва 1 та ЭҲМ учун дастурга гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг «**Қурилиш юқларини автомобиль транспорти воситаларида етказиб бериш ҳолатининг таҳлили**» деб номланган биринчи бобида қурилиш юқларини ташишнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларни етказиб бериш вариантлари бўйича схемалари келтирилган бўлиб, уларни автомобиль транспорти воситаларида (АВ) истеъмолчиларга етказиш йўналишлари ва амалиёти доирасидаги кейинги изланишлар таҳлил этилган бўлиб, бунда сочилувчан ва бошқа қурилиш материалларини етказиб беришда транспорт жараёнини ташкил этишдаги камчиллик сифатида юклаш-тушириш пунктларида ташкилий ва техник сабабаларга кўра сезиларли даражада бекор туриб қолиши кўрсатилган.

Қурилиш юқларини автомобиль транспорти воситаларида ташиш технологиясини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари таҳлил қилинган ҳамда тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Сочилувчан юқларни ташишда автомобиль транспорти воситаларининг ишини ташкил этишнинг қуйидаги усуллари таҳлил этилган:

**1-усул**, “мустақил олиб кетиш”. Ушбу шароитда юк олувчилар транспорт ишларини бир бирига боғлиқ бўлмаган ҳолатда алоҳида ташкил этилади, бунда юк жўнатувчидан мустақил ташиб кетилади. Автомобиль транспорти воситаларига бўлган талаб юкни жўнатувчи томонидан мустақил равишда ҳар бир буюртма учун алоҳида белгиланади;

**2-усул**, марказлашган ташишнинг жўнатиш усули (жўнатувчи томонидан). Юк ташиш ҳар бир юк жўнатувчи учун алоҳида жўнатиш усули бўйича марказлашган ҳолда амалга оширилади;

**3-усул**, марказлашган ташишнинг ҳудудий усули. Мазкур усул юк ташишни самарали ташкил этишда математик усуллардан фойдаланиш имкониятини беради.

Юк ташишни ташкил этишнинг юқорида келтирилган 3 та вариантлари бўйича кутишдаги ва ишлатилмай йўқотилган вақт харажатлари **1-усул** учун 9225,28 минг сўм, **2-усул** учун 2363,93 минг сўм ва **3-усул** учун эса 1210,11 минг сўмни ташкил этди, яъни кутишдаги ва ишлатилмай йўқотилган вақт харажатларини 87%га камайтириш имконини берди.

Амалиёт ва назария (адабиётлар) таҳлили шуни кўрсатдики, ўрганилаётган ҳудуддаги автотранспорт корхонаси (АТК) юк автомобилларида ташишни ташкил этиш, режалаштириш ва бошқаришни

таъминлайдиган тегишли илмий ва услубий ёндошув ишлаб чиқилмаган. Қурилиш юқларини ташишда транспорт воситалари ишини режалаштириш эса ўтган вақт мобайнида эришилган кўрсаткичларга асосан ходимларнинг иш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Бу автомобиль транспорти воситаларида юк ташишни тезкор режаларини ишлаб чиқиш ва уларни асослашга, транспорт жараёни иштирокчиларининг манфаатларига мос келишини аниқлашга имкон бермайди, бу автомобиль транспорти ва юклаш воситалари сонидан ҳаддан ташқари ортиқча ва унумсиз фойдаланишга, юк ташиш харажатларининг ошишига, яқуний маҳсулотларнинг таннархига ва автомобиль транспортининг атроф-муҳитга салбий таъсирини ошишига сабаб бўлади.

Кўрсатилган камчиликларни эътиборга олган ҳолда, мазкур тадқиқот ишида сочилувчан қурилиш юқларини ташишда автомобиль транспорти воситалари ва уларга хизмат кўрсатувчи юк жўнатиш пунктларининг иш кўрсаткичларини ўзаро мувофиқлаштириш масаласини ялпи хизмат кўрсатиш назариясининг миқдорий аппаратини қўллаган ҳолда ечиш услубиёти таклиф этилди.

Диссертациянинг «**Қурилиш юқларни автомобиль транспорти воситаларида ташиш фаолиятини тадқиқ қилиш**» деб номланган иккинчи боб автомобиль транспорти воситалари иш унуми ва эксплуатацион кўрсаткичларининг ўсиши ўртасидаги боғлиқлиқ назарий тадқиқ этишга ва автомобиль транспорти воситалари оқими ва уларга хизмат кўрсатиш вақтининг тақсимланиши Пуассон қонунига бўйсунганини исботланишига бағишланган.

Автомобиль транспорти воситалари иш унумини оширишга таъсир этувчи кўрсаткичлар сифатида қуйидагилар қабул қилинди:

$M_1$  – автомобиль транспорти воситасининг юклаш-тушириш вақти, соат;

$M_2$  – автомобиль транспорти воситасининг юк кўтариш қобилияти, тонна;

$M_3$  – автомобиль транспорти воситасининг юк ташиш масофаси, км;

$M_4$  – автомобиль транспорти воситасининг иш вақти, соат;

$M_5$  – автомобил транспорти воситасининг техник тезлиги, км/соат;

$M_6$  – автомобиль транспорти воситасининг йўлдан фойдаланиш коэффициентини.

Корреляция-регрессия моделлаштириш натижаларига кўра автомобиль транспорти воситалари иш унуми ( $Q_j$ ) ва келтирилган техник эксплуатацион кўрсаткичлар ўртасида чамбарчас боғлиқлик мавжудлиги аниқланди.

Корреляцион боғлиқлик ночизик шаклли учун, энг кичик квадратлар усули олинди:


$$y_1 = 136,99x^2 - 243,48x + 237,25; \quad y_2 = -0,0003x^2 + 7,7561x - 0,1;$$

$$y_3 = 0,2051x^2 - 16,2x + 362,22; \quad y_4 = -0,0038x^2 + 24,304x - 0,6409;$$


$$y_5 = -0,0502x^2 + 8,9216x + 8,3848; \quad y_6 = -117,8x^2 + 435,95x + 4,8833.$$

бу ерда  $y_1$  – тадқиқ этилаётган кўрсаткичлар ( $M_1, M_2, M_3, M_4, M_5, M_6$ );  $x$  – автомобиль транспорти воситалари иш унуми ( $Q_j$ ), тонна.


Тўғри чизиqli ва ночизиqli шакли функциялар детерминация коэффициентларини таққослашдан маълум бўлдики, ўрганилаётган боғлиқлик ночизиqli шакли функция орқали тўлиқ ва ишончли ифодаланди (1–расм).




а. Юк ташиш ҳажмининг юк ортиш-тушириш вақтига боғлиқлиги графиги




б. Юк ташиш ҳажмининг юк кўтариш қобилиятига боғлиқлиги графиги




в. Юк ташиш ҳажмининг юк ташиш масофасига боғлиқлиги графиги



г. Юк ташиш ҳажмининг иш вақтига боғлиқлиги графиги



д. Юк ташиш ҳажмининг ўртача техник тезлигига боғлиқлиги графиги



е. Юк ташиш ҳажмининг йўлдан фойдаланиш коэффициентига боғлиқлиги графиги

**1-расм. Тадқиқ этилаётган кўрсаткичларнинг ( $M_1, M_2, M_3, M_4, M_5, M_6$ ) юк ташиш ҳажмига боғлиқлиги графиги**

Юқорида олинган нозикли регрессия тенгламаларининг адекватлиги ҳақидаги гипотезанинг микдорий текшируви шуни кўрсатадики,  $F$  мезони (Фишер мезони)нинг ҳақиқий қийматлари  $F_{амал(1)} = 7,13$ ,  $F_{амал(2)} = 249,931$ ,  $F_{амал(3)} = 22,086$ ,  $F_{амал(4)} = 515355,2$ ,  $F_{амал(5)} = 4856,243$ ,  $F_{амал(6)} = 836,337$ , жадвал қиймати эса мос равишда  $F_{жадов(0,05;1;8)}^{1,2,3,4,5,6} = 5,318$  га тенг. Детерминация коэффицентлари (1-расмда) келтирилган, сонли қийматлари эса қуйидагича:  $R_{амал(1)}^2 = 0,9888$ ,  $R_{амал(2)}^2 = 1,0$ ,  $R_{амал(3)}^2 = 0,7341$ ,  $R_{амал(4)}^2 = 1,0$ ,  $R_{амал(5)}^2 = 0,9984$ ,  $R_{амал(6)}^2 = 0,9905$ . Фишер мезони учун  $F_{амал} > F_{жадов}$  ва детерминация коэффиценти учун  $R_{амал}^2 > R_{жадов}^2$  шарт бажариларди. Демак, 95% эҳтимоллик билан ўрганилаётган кўрсаткич  $Q_j$  омили билан етарли даражада ижобий ифодаланади.

Автомобиль транспорти воситалари оқими ва уларга хизмат кўрсатиш вақтининг тақсимланиши Пуассон қонунига бўйсунуши математик жиҳатдан исботланган.

Кузатишлар асосида автомобиль транспорти воситасининг юк жўнатиш манзилига кириб келиш пайтлари белгилаб қўйилган ва шу асосда бу пайтлар оралиғидаги вақт интерваллари, улар қийматларининг амплитудаси аниқланди. Амплитуда оралиғи еттида оралиқгача бўлинди ва бу оралиқчаларга тушадиган кириш пайтларидаги интерваллар ҳисобланди (1-жадвал).


### 1-жадвал

**Автомобиль транспорти воситасининг юк жўнатиш манзилига кетма-кет кириб келиш пайтлари орасидаги вақт интервалларининг кўрсаткичли қонун бўйича тақсимланиши**

Оралиқ вақт интерваллари, $i$	1	2	3	4	5	6	7	
Гуруҳлаштирилган вақт оралиқлари, дақ. $t_i$	0-10	10-20	20-30	30-40	40-50	50-60	60-70	
Интерваллардан гуруҳлаштирилган вақт оралиқларига тушадиган сони, $m_i$	12	9	4	2	1	1	1	30
Гуруҳлаштирилган вақт оралиқларини ўртаси, дақ. $\bar{t}_i$	5	15	25	35	45	55	65	
$m_i \bar{t}_i$	60	135	100	70	45	55	65	530
$\lambda \bar{t}_i$	0,283	0,849	1,415	1,981	2,547	3,113	3,679	
$e^{-\lambda \bar{t}_i}$	0,754	0,428	0,243	0,138	0,078 3	0,045	0,025	
$m_{ix} = n \lambda \Delta t e^{-\lambda \bar{t}_i}$	13	7,3	4,12	2,34	1,33	1	0,43	$\chi^2 = 1,5$
$\left( \frac{(m_i - m_{ix})^2}{m_{ix}} \right)$	0,077	0,45	0,004	0,05	0,082	0,083	0,775	

Автомобиль транспорти воситаларининг юк жўнатиш манзилига кириб келиш пайтлари оралиғидаги вақт интервали ва гуруҳлаштириш бўйича тақсимланиш гистограммаси қурилган (2-расм).

Тузилган гистограмма асосида тақсимланиш кўрсаткичли қонунга бўйсунуши ҳақида дастлабки гипотезани қабул қилиш мумкин. Энди бу қонун параметрларини ҳисоблаб, мазкур гипотезанинг ишончилилик даражасини таҳлил этамиз.



2-расм. Юк пунктига автомобиллар кириб келиши оралиғидаги вақт интервалини тақсимланиш гистограммаси ва қонуни.

Бунинг учун аввало кетма-кет хизмат кўрсатишга кирувчи автомобиль транспорти воситаларнинг кириб келиши орасидаги вақт оралиғининг ўртача қиймати ( $\bar{u}$ ) ҳисобланади.

$$\bar{u} = \frac{\sum_{i=1}^N m_i t_i}{\sum_{i=1}^N m_i} = \frac{530}{30} = 17,666 \quad (1)$$

Бунда хизматга кириб келувчи автомобиль транспорти воситалари оқим жадаллиги  $\lambda$  эса

$$\lambda = \frac{1}{\bar{u}} = \frac{1}{17,666} = 0,0566 \text{ авт/дақ.} \quad (2)$$

Натижада, интервал  $u$  параметрли  $\lambda=0,0566$  бўлган кўрсаткичли қонун билан ифодаланди. Бунда вақт интервали  $u$  ни назарий ҳисобдаги частотаси  $m_{ix}$  ҳар бир гуруҳлаштирилган вақт оралиқлари ҳисобланди, яъни

$$m_{ix} = n\lambda\Delta t e^{-\lambda t_i} = 30 \cdot 0,0566 \cdot 10 e^{-\lambda t_i} \quad (3)$$

Ҳисобланган назарий тақсимланиш эмпирик тақсимланишга қай даражада мослиги  $-\chi^2$  (Пирсон) мезони орқали баҳоланди ( $\chi^2=1,5$ ). Шунингдек В.И.Романовский услубига мувофиқ назарий ва экспериментал тақсимланишларни ўзаро яқинлиги етарли даражада дейиш учун қуйидаги шарт бажарилиши керак:

$$\left[ \frac{\chi^2 - \omega}{\sqrt{2\omega}} \right] < 3 \quad (4)$$

бу ерда  $\omega$ –эркинлик даражасини белгиловчи сон бўлиб,  $\omega = i - 2 = 7 - 2 = 5$ . Қўйилган шартни бажарилишини текширилганда, яъни  $\frac{\chi^2 - \omega}{\sqrt{2\omega}} = \frac{1,5 - 5}{\sqrt{2 \cdot 5}} = -1,11 < 3$  ва қўйилган шарт бажарилди, демак, кузатилган кирувчи оқимни  $\lambda=0,0566$  параметрли Пуассон оқим деб ҳисоблаш мумкин.

Диссертация ишининг «Автомобиль транспорти воситалари ва уларга хизмат кўрсатувчи юк жўнатиш пунктларининг иш кўрсаткичларини ўзаро мувофиқлаштириш» деб номланган учинчи бобда автомобиль транспорти воситалари ва уларга хизмат кўрсатувчи юк жўнатиш пунктларининг иш кўрсаткичларини ўзаро мувофиқлаштириш масаласининг қўйилиши ва уни ечиш усуллари келтирилган. Бунда қурилиш юкларини ташишда ялпи хизмат кўрсатиш масаласининг қўйилиши ва математик модели, автомобиль транспорти ва юклаш-тушириш воситаларининг иш кўрсаткичларини ўзаро мувофиқлаштириш масаласини “Сурхон саноат қурилиш” компанияси мисолида тадбиғи ва ечимлари ҳамда юк жўнатиш жараёнларининг ташкилий-технологик хусусиятлари ва экспериментал тадқиқотлар таҳлили келтирилган.

Ялпи хизмат кўрсатиш фаолиятини такомиллаштириш ва иш самарадорлигини ошириш бўйича тегишли тавсиялар бериш учун 2-жадвалдаги кўрсаткичлардан фойдаланамиз.

Оддий ёпиқ хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини кўриб чиқамиз. Айтайлик  $m$  тадан иборат хизматга кириб келувчи автомобиль транспорти воситалари манбаи мавжуд бўлиб, уларга хизмат кўрсатиш  $n$  та юклаш воситалари орқали амалга оширилади.

Ҳар бир автомобиль транспорти воситаси ўртача  $\lambda=1/t_k$  жадалликдаги кирувчи автомобиль транспорти воситалари оқимини шакллантиради.

Ҳар бир автомобиль транспорти воситасига ўртача хизмат кўрсатиш вақти бу  $\bar{t}_{хиз}$  жараёни жадаллиги  $\mu$  га боғлиқ равишда  $\bar{t}_{хиз}=1/\mu$  кўринишида шаклланади.

Кўрилаётган дискрет ҳолатли ва узлуксиз вақтли хизмат кўрсатиш тизимига автомобиль транспорти воситалари кириб келиши жадаллиги мазкур тизимдан ташқаридаги автомобиль транспорти воситалари сонига пропорционалдир. Агар тизимда бирорта ҳам автомобиль транспорти воситаси бўлмаса, у ҳолда автомобиль транспорти воситалари кириб келиши жадаллиги  $m=\lambda$  га тенг бўлади.

Диссертация ишида “Сурхон саноат қурилиш” компаниясидан олинган маълумотлар асосида автомобиль транспорти ва юклаш воситаларининг иш кўрсаткичларини ўзаро адекват моделлаштириш услуги келтирилган ва аниқ масала ечими олинган.

“Сурхон саноат қурилиш” компанияси таркибидаги юк жўнатувчидан юк  $j \in J = \{1, 2, 3, 4\}$  истеъмолчиларга ташилади. Ташиш ҳажми тонналарда мос равишда  $Q_j = \{250, 200, 100, 200\}$  ( $j \in J = \{1, 2, 3, 4\}$ ) ҳажмларда ўзи тўқар юк ташувчи автомобиль транспорти воситалари орқали амалга оширилади.

Битта автомобилнинг амалдаги ўртача юк кўтарувчанлик қобилияти  $q_n \gamma_{cm} = 25$  тоннани, ўртача битта автомобилга тўғри келадиган юк жўнатиш (юклаш) вақти  $t_o = 8$  дақиқа, ўртача битта автомобилга тўғри келадиган юк қабул қилиш вақти эса  $t_m = 5$  дақиқани ташкил этади.

Автомобиль транспорти воситаси, юк жўнатиш ва юк қабул қилиш пунктларининг иш вақти  $T_{иш} = 8$  соатни ташкил этади.

Автомобилнинг бир соат унумсиз кутиб туриш вақтида юз берадиган иқтисодий йўқотув қиймати  $C_{кум}^T = 209,0$  минг сўмни, юклаш воситаси, яъни хизмат кўрсатувчи битта пунктники эса  $-C_{кум}^K = 200,0$  минг сўмни ташкил этади.

## 2-жадвал

### Ялли хизмат кўрсатиш назарияси кўрсаткичларининг тавсифи

Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш формуласи	Тавсифи
$\lambda$ -хизматга келувчи тавтомобиль транспорти воситалари оқими жадаллиги	$\lambda = \frac{1}{\bar{t}_k}$ , $\bar{t}_k$ - АВнинг тизимдан чиқиб кетган фурсатдан то яна тизимга қайтишигача ўтган ўртача вақти	Вақт бирлигида хизматга келувчи талабгор (автомобиль транспорти восита)ларнинг ўртача сони
$\mu$ -хизмат кўрсатиш жадаллиги	$\mu = \frac{1}{\mu(t_x)} = \frac{1}{t_x}$ , $t_x$ - АВ хизмат кўрсатиш вақти	Битта автомобиль транспорти воситасига хизмат кўрсатиш ўртача вақтига тескари катталиқ
$n$ -хизмат кўрсатиш пунктлари сони	Хизмат кўрсатиш пунктлари, яъни юклаш воситаларининг сони	
$\psi$ -хизмат кўрсатиш воситаларининг юкланганлик коэффициенти	$\psi = \frac{\lambda}{\mu}$	Юклаш пунктидаги барча хизмат каналларининг юкланганлик даражасини аниқлайди
$m$ -навбатда кутиб турувчи автомобиль транспорти воситалари сони	Навбатда кутиб турувчи автомобиль транспорти воситалари сони, яъни улар навбатининг ўртача узунлиги	
$P_0$ -юклаш воситалари автомобиль транспорти воситаларининг кутиш эҳтимоли	$P_0 = \frac{1}{\sum_{k=0}^n \frac{m! \psi^k}{k!(m-k)! n^{k-n}}}$	Хизмат кўрсатувчи тизимнинг иш фаолияти самарадорлигини кўрсатади
$\bar{m}_{навб}$ -хизмат кўрсатишни кутиб турган автомобиль транспорти воситалари ўртача сони	$\bar{m}_{навб} = \sum_{k=k+1}^m (k-n) P_k$	Юклаш пунктларида хизмат кўрсатилишини кутиб турган АВнинг ўртача сони
$\bar{t}_{кутиши}$ -автомобиль транспорти воситасининг ўртача кутиш вақти	$\bar{t}_{кутиши} = \frac{\bar{m}_{навб}}{\lambda}$	АВнинг юклаш воситаларини кутиб туриш ўртача вақти
$\bar{n}_{бўйи}$ - ишсиз бўш турган юклаш воситаларини ўртача сони	$\bar{n}_{бўйи} = \sum_{k=0}^n (n-k) P_k$	АВнинг келишини кутиб ишсиз бўш турган юклаш воситаларининг ўртача сони
$\sum C_{кум} = (C_{кум}^T \cdot \bar{m}_{навб} + C_{кум}^K \cdot \bar{n}_{бўйи}) T_{иш} \rightarrow \min$	Автомобиль транспорти воситалари ва уларга хизмат кўрсатувчи пунктларнинг ўзаро кутиш вақтларидан келиб чиқадиган иқтисодий йўқотишлар йиғиндиси энг кичик қийматга эга бўлсин	

Юк жүнатиш манзилдан истеъмолчи объектигача бўлган масофалар мос равишда  $l_j = \{8, 18, 33, 50\}$  км, ҳар бир истеъмолчи маршрутида автомобилнинг ўртача техник тезлик меъёрлари  $V_j^T = \{24, 24, 36, 36\}$  км/соатда берилган. Мазкур масаланинг ечими қуйида келтирилган (3-расм) алгоритмга мувофиқ амалга оширилди.

А<sub>2</sub> операторида автомобиль транспорти воситаларининг юкли қатновлар  $Z_j$  сони аниқланади:

$$Z_j = \frac{Q_j}{q_n \cdot \gamma_{cm}}; \quad j \in \{\overline{1-4}\} \quad (5)$$

$$Z_1 = \frac{Q_1}{q_n \cdot \gamma_{cm}} = \frac{250}{25 \cdot 1,0} = 10; \quad Z_2 = \frac{200}{25 \cdot 1,0} = 8; \quad Z_3 = \frac{100}{25 \cdot 1,0} = 4; \quad Z_4 = \frac{200}{25 \cdot 1,0} = 8.$$

А<sub>3</sub> операторида бир соатлик иш унумдорлиги  $\mu$  аниқланади, шунингдек, битта автомобилга тўғри келадиغان хизмат кўрсатиш вақти  $\bar{t}_{хуз} = t_o = 8$  дақиқа:

$$\mu = \frac{60}{t_{хуз}} = \frac{60}{8} = 7,5 \text{ авт./соат} \quad (6)$$

А<sub>4</sub> операторида ҳар бир  $j$  истеъмолчига белгиланган юк ташиш ҳажми  $Q_j$ , автомобилнинг юк кўтарувчанлиги  $q_n$  ва ундан фойдаланиш статик коэффиценти  $\gamma_{cm}$ , кунлик иш вақти  $T_{уш}$  қийматларига асосан  $j$  – маршрутдан (истеъмолчидан) юк жүнатиш пунктига кириб келувчи талабгорлар оқими жадаллиги  $\lambda_j$  аниқланади, яъни:

$$\lambda_j = \frac{Q_j}{(q_n \gamma_{cm} / \rho) T_{уш}}, \quad j \in \{\overline{1-4}\} \quad (7)$$

$$\lambda_1 = \frac{250}{(25 \cdot 1,0 / 1,0) \cdot 8} = 1,25; \quad \lambda_2 = \frac{200}{200} = 1,0; \quad \lambda_3 = \frac{100}{200} = 0,5; \quad \lambda_4 = \frac{200}{200} = 1,0.$$

А<sub>5</sub> операторида эса хизмат кўрсатиш пункт (юклаш восита)ларининг минимал сони  $n$  аниқланади:


$$n = \frac{\sum_{j=1}^{j_{ок}} \lambda_j}{\mu} = \frac{1,25 + 1,0 + 0,5 + 1,0}{7,5} = \frac{3,75}{7,5} = 0,5; \quad n \approx 1 \quad (8)$$

А<sub>6</sub> операторида ҳар бир  $j$  истеъмолчи учун битта айланишга кетган вақт  $t_j$  ни ҳисоблаймиз:

$$t_j = t_{жк} + t_{к} + \frac{2l_j}{V_j^T} + \bar{t}_{кут} = t_{жк-к} + \frac{2l_j}{V_j^T} + \bar{t}_{кут} \quad (9)$$

$$t_1 = (0,136 + 0,084) + \frac{2 \cdot 8}{24} + 0 = 0,887 \text{ соат}; \quad t_2 = 0,22 + \frac{2 \cdot 18}{24} = 1,72 \text{ соат};$$

$$t_3 = 0,22 + \frac{2 \cdot 33}{36} = 2,05 \text{ соат}; \quad t_4 = 0,22 + \frac{2 \cdot 50}{36} = 3,0 \text{ соат};$$



**3-расм. Юклаш ва автомобиль транспорти воситаларининг иш кўрсаткичларини ўзаро мувофиқлаштириш алгоритм-блок схемаси**

бу ерда  $t_{жс}$ ,  $t_{к}$ —юк жўнатиш ва қабул қилиш ўртача вақтлари, соат;  $\bar{t}_{кут}$  — автомобиль транспорти воситасининг ҳар бир айланишида ўртача кутиш вақти, соат; бошида  $\bar{t}_{кут} = 0$  деб қабул қиламиз;

$V_j^T$  —ўртача техник тезлик, км/соат;  $t_{жс-к} = t_{жс} + t_{к}$  — юк жўнатиш ва қабул қилиш вақтлари, соат.

$A_7$  операторида  $j$  истеъмолчи белгиланган юк ташиш жадаллигини таъминлаш учун минимал даражада лозим бўлган автомобиллар сони  $m_j$  аниқланади:

$$m_j = \lambda_j \cdot t_j \quad (10)$$

$$m_1 = \lambda_1 \cdot t_1 = 1,25 \cdot 0,887 = 1,109; \quad m_2 = 1,0 \cdot 1,72 = 1,72; \quad m_3 = 0,5 \cdot 2,05 = 1,025; \quad m_4 = 1,0 \cdot 3,0 = 3,0.$$

$A_8$  операторида эса барча истеъмолчилар учун керакли автомобиллар сони ҳисобланади. Бундан ташқари ушбу операторда барча маршрутлардан кириб келувчи талабгорлар оқимининг ўртача жадаллиги  $\lambda$  ҳисобланади, яъни барча истеъмолчилар учун аниқланган автомобиль транспорти воситалари сони  $m$  нинг қиймати катта қиймат томонга бутунлаштирилади.

$$m = \sum_{j=1}^{j_{ок}} m_j = m_1 + m_2 + m_3 + m_4 = 1,109 + 1,72 + 1,025 + 3,0 = 6,85 \approx 7 \text{ авт.} \quad (11)$$

$$\lambda = \sum_{j=1}^4 \lambda_j = 1,25 + 1,0 + 0,5 + 1,0 = 3,75 \quad (12)$$

$A_9$  операторда битта автомобилнинг хизмат тизимига кириб келиш жадаллиги  $\lambda'$  аниқланади:

$$\lambda' = \frac{\lambda}{m} = \frac{3,75}{7} = 0,53572 \quad (13)$$

$A_{10}$  оператори барча хизмат пунктларининг юкланганлик коэффициенти  $\Psi$  ни аниқлайди:

$$\Psi = \frac{\lambda'}{\mu \cdot n} = \frac{0,53572}{7,5 \cdot 1} = 0,0714286 \quad (14)$$

$A_{11}$  операторида  $Y_0 = 1$  деб қабул қилинади, чунки  $Y_k = P_k / P_0$  бўлганлигидан,  $k = 0$  бўлганда  $Y_0 = 1$  бўлади.

$A_{12}$  операторида қуйидаги рекуррент формулалар асосида  $Y_k$  қийматлари аниқланади:

$$Y_k = \begin{cases} \frac{m-k+1}{k} \Psi Y_{k-1}, & k \in \{1, (n-1)\}; \\ \frac{m-k+1}{n} \Psi Y_{k-1}, & k \in \{n, m\}. \end{cases} \quad (15)$$

$$Y_1 = \frac{7-1+1}{1} \cdot 0,0714286 \cdot 1 = 0,5;$$

$$Y_2 = 0,214286; \quad Y_3 = 0,07653; \quad Y_4 = 0,021866; \quad Y_5 = 0,004686; \quad Y_6 = 0,0006694; \quad Y_7 = 0,0000478;$$

$A_{13}$  операторида хизмат кўрсатиш пунктининг бўш ҳолатда бўлиш эҳтимоли  $P_0$  ҳисобланади. Хизмат кўрсатиш пунктида бирорта ҳам автомобиль транспорти воситасининг мавжуд эмаслиги эҳтимоли  $P_0$  қуйидагича аниқланади:

$$P_0 = \left( \sum_{k=0}^m Y_k \right)^{-1} = \frac{1}{1,81808494} = 0,55003 \quad (16)$$

бунда  $\sum_{k=0}^m Y_k = Y_0 + Y_1 + Y_2 + \dots + Y_7 = 1,818085$  бўлади.

$A_{14}$  операторда юк жўнатиш манзилида  $k$  сондаги автомобиллар бўлиш эҳтимоли  $P_k$  аниқланади:

$$P_k = Y_k \cdot P_0 \quad (17)$$

$$P_1 = Y_1 \cdot P_0 = 0,5 \cdot 0,55003 = 0,275014654; \quad P_2 = 0,11786343; \quad P_3 = 0,04209408;$$

$$P_4 = 0,01202688; \quad P_5 = 0,00257719; \quad P_6 = 0,0003682; \quad P_7 = 0,000026298.$$

$A_{15}$  операторда юк жўнатиш манзилида бўлган (юк ортиш хизмати ва навбатда кутиб турувчилар сифатида) автомобиллар ўртача сони ( $\bar{m}_{xm}$ ) ҳисобланади:

$$\bar{m}_{xt} = \sum_{k=0}^m k \cdot P_k = P_1 + 2P_2 + 3P_3 + \dots + 7P_7 = 0,700410305 \quad (18)$$

$A_{16}$  операторида хизмат бошланишини кутиб навбатда турган автомобиллар ўртача сони ( $\bar{m}_{навб}$ ) аниқланади:

$$\bar{m}_{навб} = \sum_{k=n+1}^m (k-n) P_k = 0,2504396123 \quad (19)$$

$A_{17}$  операторида талабгорлар келишини кутиб ишсиз бўш турган юклар воситаларни ўртача сони ( $\bar{n}_{бўш}$ ) ҳисобланади:

$$\bar{n}_{бўш} = \sum_{k=0}^n (n-k) P_k = 0,5500293075 \quad (20)$$

